2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:
№БД-5510200-3.07.
2021 йил "04" 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруғи
2021 йил "04" 06

АНЕСТЕЗИОЛОГИЯ ВА РЕАНИМАТОЛОГИЯ, БОЛАЛАР АНЕСТЕЗИОЛОГИЯСИ ВА РЕАНИМАТОЛОГИЯСИ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 –Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510200 – Педиатрия иши

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

1. Сатвалдиева Э.А. ТошПТИ Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

2. Юсупов А.С ТошПТИ Анестезиология ва реаниматология,болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси,т.ф.н., доцент

3. Исмаилова М.У. ТошПТИ Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси ассистенти

Такризчилар:

Мухитдинова Х.Н. Тошкент Врачлар Малакасини Ошириш Институти Болалар анестезиологияси ва интенсив терапияси кафедраси профессор, тиббиёт фанлари доктори;

Шарипов А.М. Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтининг Шошилинч педиатрия. Халокатлар тиббиёти кафедраси мудири, профессор, тиббиёт фанлари доктори.

Модул дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021_йил "_27_" _январдаги "_8_"-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларарo Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021йил "13" апрел даги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил "4" июн даги "121" – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1.Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули талабанинг ўзлаштириши керак бўлган умумий назарий билимлар ва амалий кўникмаларини белгилайди. Анестезиология ва реаниматология , болалар анестезиологияси ва реаниматоогияси модулини ўқитишда Соғлиқни Сақлашнинг бирламчи звеноси ва тез ёрдам бўлими шароитида шифохонагача бўлган босқичда болалардаги хаётга хавф солувчи холатларда мустақил реанимацион-анестезиологик ёрдам кўрсатишга ва интенсив даво ўтказишга, хамда даволаш-тактик тадбирларни танлашга педиатрия факультети талабаларига ўргатади. Бола хаётига хавф солувчи холатлар ривожланишининг назарий этиопатогенетик, ёшига қараб ўзгаришларни ўргатиш, умумий ахволининг оғирлигини бахолаш мезони, клиник симптомлари, ташхиси, болаларда травма ва операцияларда оғриқсизлантириш мохиятини ўргатади.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули асосий модуллардан бўлиб, терминал холатларнинг ва бир қатор критик холатларнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва интенсив даволаш муолажалари тактикаси билиши шарт бўлган талаблари қўйилади. Оғриқ синдромини наркотик ва нонаркотик аналгетиклар ёрдамида даволашни, кўп учрайдиган хирургик патологияларда анестезиологик қўлланмани ўргатиш мақсадлари қўйилган. Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси фани 5курс IX семестрида ўқитилади. Модулни амалга ошириш ўқув режасида белгиланган анатомия, гистология, хирургия, физиология, биокимё, хирургия, микробиология, хирургия, асаб касалликлари, тиббиёт генетикаси, травматология, неантология, педиатрия, офтальмалогия, отолорингология, юқумли касалликлар фанларини ўқитишда асос бўлиб хизмат қилади.

Модул дастури тиббий таълим сохасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти, Педиатрия иши бакалавриат таълим йўналишининг Малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи клиник модулларининг дастур мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда яратилади.

2.Ўқув модулининг мақсади ва вазифаси

2.1. Модулнинг мақсади - талабаларни катталар ва болаларда турли критик холатлар белгиларини, уларни ташхислашни, даволашни ва шошилинч ёрдам ўтказа олишга мос билим, кўникма ва малакаларни шакиллантиришдир.Илмий методологик асосларини шакллантириш, кўникмаларини эгаллаш, бўлажак умумий амалиёт шифокори мутахассисини педиатрия иши йўналиши бўйича тайёрлаш

2.2. ***Модулнинг вазифалари:***

Талабаларга беморни ёшини, патологик жараённи оғирлик даражасини, шошилинч ҳолатларнинг сабаблари ва патогенезини ўргатиш.
хаётга хавф солувчи ҳолатлар таснифини ўргатиш,
шошилинч ҳолатларда беморларда инструментал, функционал, клинико-лаборатор, биохимик текширув натижалари таҳлили билан таништириш.
Реаниматология ва анестезиологияда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг ишлаш принципи билан таништириш (респираторлар, наркоз аппаратлари, кардиомониторлар, пульсоксиметрлар, дефибрилляторлар).

2.3. ***Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:***

Талаба:

– шошилинч холатлар ривожланишида бола организмининг анатомик-физиологик хусусиятлари ва ёшига қараб кечадиган ўзгаришлар;
– реанимация ва анестезиологияда қўлланиладиган моддаларни организм ва системаларига таъсир механизмини;
– патологик синдромларни ривожланишининг этиопатогенетик омиллари, ташхис мезонлари ва оғирлик даражасини бахолаш;
– реанимация ва интенсив терапия услублари ва усулларини асосий принциплари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши;***
– синдром ва оғирлик холатини ташхислашни,
– шифохонагача ёки тез ёрдам босқичларида реанимация-интенсив терапия дастурини тузиш ва қўллашни,
– бемор болани кейинги даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва транспортировкага тайёрлашни,
– травма ва операцияларда анестезиологик қўлланма усули турини аниқлаш;
– анестезиологик хавфни аниқлаш, кон гурухини аниқлашни;
– критик холатлардаги беморларда лаборатор текширувлари ўтказиш;
– тиббий ҳужжатлари ва мутахассисга бериладиган йўлланмаларни расмийлаштириш ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
– стационар шароитида клиник ўлимда реанимацион чора тадбирлар ўтказиш;
– нафас йўллари эркин ўтказувчанлигини таъминлаш;
– Амбу қопчаси ёрдамида ЎСВ ўтказиш:
– «оғиздан-оғизга» ва оғиздан бурунга ЎСВ ўтказиш;
– трахеобронхиал дарахт санацияси;
– бурун катетери орқали кислород бериш техникаси
– юракнинг билвосита массажи;
– периферик вена томири пункцияси;
– ошкозонни найчалаш ва уни ювиш;
– сийдик пуфагини катетеризацияси ***амалий кўникмаларга эга бўлиши керак.***

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1- мавзу. Ўпка юрак ва мия реанимацияси.

Терминал холатлар таърифи. Терминал холатлар ва клиник ўлим ривожланиш механизми, патогенези, клиникаси, диагностикаси.Ўпка юрак ва мия реанимациясини ўтказиш

2- мавзу. Ўткир нафас етишмовчилиги.

Ўткир нафас етишмовчилиги этиологияси, таснифи, ривожланиш механизми, клиникаси, оғирлик даражалари, диагностикаси ва интенсив терапияси. Ўткир нафас етишмовчилигида респиратор терапия усуллари

3- мавзу. Ўткир қон айланиши етишмовчилиги.

Ўткир қон айланиши етишмовчилиги этиологияси, ривожланиш механизми, клиникаси, оғирлик даражалари, диагностикаси ва интенсив терапияси. Ўткир қон айланиш етишмовчилигини коррекция қилиш усуллари.

4- мавзу. Гипертермик, талваса ва мия шиши синдромлари.

Гипертермик, талваса ва мия шиши синдромлари этиологияси, ривожланиш механизми, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси ва интенсив терапияси.

5-мавзу. Сув электролит мувозанати бузилиши.

Сув электролит мувозанати хақида тушунча. Сув электролит мувозанати бузилиши турлари, оғирлик даражалари, клиник белгилари, диагностикаси. Сув электролит мувозанати бузилишларида инфузион даво.

6-мавзу. Ўткир буйрак етишмовчилиги.

Ўткир буйрак етишмовчилиги хақида тушунча. Ўткир буйрак етишмовчилиги шакллари. Ўткир буйрак етишмовчилиги этиологияси, ривожланиш механизми,клиникаси, оғирлик даражалари, диагностикаси ва интенсив терапияси.

7-мавзу. Болаларда умумий анестезия хусусиятлари. Кичик жаррохлик муолажаларида оғриқсизлантириш.

Анестезия турларининг таснифи. Беморни жаррохлик муолажасига ва анестезияга тайёрлаш. Бир компонентли наркоз. Комбинирланган аппарат ниқобли наркоз. Маҳаллий анестезия усулларини травматик жарохатларда қўллаш. Бемор ҳолати ва операция турига кўра анестезиянинг ўзига хос ҳусусиятлари. Болалар анестезиясининг хавфи ва асоратларини ўрганиш.

3.2.Модулдаги амалий машғулотлар мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1.Амалий машғулотлар мавзулар рўйхати:

1.Мавзу:Терминал холатлар ва клиник ўлим. Ўпка юрак ва мия реанимацияси. Терминал холатлар таърифи. Терминал холатлар ва клиник ўлим ривожланиш механизми, патогенези, клиникаси, диагностикаси.Ўпка

юрак ва мия реанимациясини ўтказиш.Юрак бевосита ва билвосита массажини ўтказиш. Реанимация ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

2.Мавзу:Чакалоклар реанимацияси ва интенсив терапияси хусусиятлари.Чақалоқлар организмининг анестезиолог реаниматолог нуқтаи назаридан анатомо физиологик хусусиятлари.Юрак билвосита массажи.Чақалоқлар интубациясининг ўзига хос хусусиятлари.

3.Мавзу: Ўткир нафас етишмовчилигида интенсив терапия.Ўткир нафас етишмовчилиги хақида тушунча. Ўткир нафас етишмовчилиги таснифи, этиологияси, ривожланиш механизмлари. Ўткир нафас етишмовчилигининг клиник белгилари, оғирлик даражалари. Ўткир нафас етишмовчилигини коррекциялаш усуллари: респиратор ва медикаментоз даво чоралари. Трахея интубацияси, интубацияга кўрсатмалар, бажариш техникаси. Экстубацияга кўрсатмалар, бажариш техникаси.

4.Мавзу: Ўткир юрак етишмовчилигида интенсив терапия. Ўткир юрак етишмовчилиги хақида тушунча. Ўткир юрак етишмовчилиги таснифи, этиологияси, ривожланиш механизмлари. Ўткир юрак етишмовчилигининг клиник белгилари, оғирлик даражалари. Ўткир юрак етишмовчилигини коррекциялаш усуллари.. Марказий веноз босимни аниқлаш техникаси.

5.Мавзу: Ўткир қон-томир етишмовчилиги. Шок холатлари.Ўткир юрак қон томир етишмовчилиги турлари хақида тушунча.Шок таснифи. Шок турлари.Травматик ва геморрагик шокни ривожланиш механизмлари, клиникаси, диагностикаси.Травматик ва геморрагик шокни интенсив терапияси.

6.Мавзу: Гипертермик, талваса ва бош мия шиши синдромлари.

Гипертермик, талваса ва бош мия шиши синдромлари хақида тушунча, этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси, интенсив терапия принциплари.

7.Мавзу:Сув электролит мувозанати бузилишида инфузион терапия.Сув электролит баланси хақида тушунча. Сувсизланиш турлари,клиникаси, диагностикаси. Сув электролит мувозанати бузилишида инфузион терапия принциплари.

8.Мавзу: Ўткир буйрак етишмовчилиги.. Ўткир юрак етишмовчилиги хақида тушунча. Ўткир буйрак етишмовчилиги таснифи, этиологияси, ривожланиш механизмлари. Ўткир буйрак етишмовчилигининг клиник белгилари, оғирлик даражалари. Ўткир буйрак етишмовчилигини коррекциялаш усуллари.. Гемодиализга кўрсатмалар.

9.Мавзу: Геморрагик холатлар. Томирлар ичида қоннинг тарқоқ ивиши синдроми. ДВС синдроми хақида тушунча, этиологияси, патогенези, босқичлари, клиник белгилари, диагностикаси, босқичлари бўйича интенсив даволаш.

10.Мавзу:Умумий оғриқсизлантириш турлари ва усуллари. Анестезиология

хақида тушунча.Беморни жаррохлик муолажасига тайёрлаш. Премедикация. Премедикация турлари. Умумий анестезия компонентлари. Наркоз босқичлари. Комбинирланган вена ичи анестезияси, ингаляцион анестезия, комбинирланган эндотрахеал наркоз.Наркоз учун қўлланиладиган препаратларини хисоблаш.

11.Мавзу: Кичик жаррохлик муолажаларида оғриқсизлантириш. Махаллий анестезия усулларини қўллашга кўрсатмалар. Махаллий анестетиклар таъсир механизми ва ножўя таъсирлари.Махаллий анестезия усуллари, бажариш техникаси.

12.Мавзу: Умумий ва махаллий оғриқсизлантириш асоратлари.Асоратлар профилактикаси. Умумий ва махаллий оғриқсизлантириш асоратларини бартараф этиш усуллари.

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

-Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;

-Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

-Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

-Талабани назарий-методиқ жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Амалий машғулотлар 50% назарий ва 50% амалий қисмдан (амалий машғулот мавзусига таълуқли препаратларга ҳар-хил ёшдаги-янги туғилган, илк ёшдаги, ўсмирлик ёшидаги беморларга ташҳис қўйиш ва интенсив терапияни олиб бориш талабаларни клиник фикрлашини баҳолаш варақасини тўлдириш, интенсив терапияни самарадорлигини назорат қилиш, муолажаларни беҳатарлигини таъминлаш кўникмаларини ўзлаштириш, ўтказилаётган даволаш муолажалари протоколини тузиш ва муҳокама қилиш) иборат бўлган ҳолда ўтказилади.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси қуйидаги асосий принциплар асосида ўргатилади:

- илгари ўзлаштирилган билимларни интеграцияси асосида янги ўқув материални қиёсий тарзда ўргатиш;

- амалий машғулотларда талабаларга болаларда кўп учрайдиган шошилинч холатларда қўлланадиган дори воситаларни Даволаш стандартлари асосида танлаш, дозаларини беморнинг ёши, элиминацияловчи органларнинг ҳолатига, касалликнинг кечишига қараб тавсия этишни, ўтказилаётган интенсив терапия самарадорлигини назорат қилишни ва бехатарлигини таъминлашни, шошилинч ҳолатларда беморга тез ёрдам воситаларини қўллай олиш кўникмаларини ўргатиш.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

1. Стационар шароитида клиник ўлимда реанимацион чора тадбирлар ўтказиш;
2. Нафас йўллари эркин ўтказувчанлигини таъминлаш;
3. Амбу қопчаси ёрдамида ЎСВ ўтказиш:
4. «Оғиздан-оғизга» ва оғиздан бурунга ЎСВ ўтказиш;
5.Трахеобронхиал дарахт санацияси;
6. Бурун катетери орқали кислород бериш техникаси
7. Юракнинг билвосита массажи;
8.Периферик вена томири пункцияси;
9.Ошкозонни найчалаш ва уни ювиш;
10.Сийдик пуфагини катетеризацияси;

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК[1] 1.Абстракт фикрлаш, анализ, синтез қобилиятлари, замонавий тиббиёт билимларни ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиш;

УК[2].Касбий фаолияти соҳасида фойдаланиладиган ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун компьютер усулларини эгаллаш;

УК[3]Амалий вазиятларда касбий билимлардан фойдаланиш қобилияти;

УК[4].Касбий фаолиятни мохиятини тушуниш ва ривожлантириш қобилияти;

УКК[2]1.Беморларга фармакотерапевтик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини баҳолашга тайёргарлик;

УКК 2. Беморларга фармакотерапевтик ёрдам кўрсатишнинг беҳатарлигини таъминлашга тайёргарлик;

УКК 3. Касбий функцияларни бажариш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш;

УКК 4. Тиббий хужжатларни (рецепт ёзишни)юритишга тайёрлик;

УКК5. Беморларга кўрсатилган фармакотерапияни таҳлил қилишга тайёрлик;

УКК 6.Ўз фаолиятини илмий изланишлар асосида ташкил этиш, унинг касбий фаолияти соҳасида фойдаланиладиган ахборотларни йиғишга тайёрлик;

---

[1]УК- умумий компетенция

[2]УКК – умумий касбий компетенция

Модул давомида клиник ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг ўқув амалиёти кафедра ўқув ҳоналари хамда даволаш профилактика муассасаларининг клиник ва поликлиник базаларида ўтказилади. Амалий кўникмаларга ўргатиш жараёнлари тўлиқ режалаштирилган ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади.
2. Кўникмани тушунтириб бериш бунда кўникмани ҳамширалар томонидан аҳолига етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил олиб бориши, бироқ педагог назорати остида кўникмани бажаришнинг барча даражасини ўрганишни, баҳолашни умумлаштиради.
3. Хулоса – ўрганаётган шахс билан ушбу кўникманинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Сўров асосида бирламчи бўғиннинг мақсади ва вазифаларига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муамммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитуви назорати остида керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғриланади. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

4.Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

4.1.Мустақил таълим учун тавсия этилган мавзулар:

1. Постреанимацион касаллик.
2. Чақалоқлар реанимациясининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўткир нафас етишмовчилигини коррекциялаш усуллари
4. Ўткир юрак етишмовчилигида жадал даволашнинг асосий принциплари.
5. Ўткир кон-томир етишмовчилиги.
6. Гипертермик синдром асоратлари, коррекция усуллари.
7. Инфузион терапия асослари.
8. Ўткир буйрак етишмовчилиги.

9. ДВС синдром, босқичлари бўйича даволаш принциплари.
10. Болаларда анестезиологик қўлланма ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
11. Регионар анестезия усуллари.

Ушбу мавзулар бўйича рефератив докладлар, мақола, тезис, тақдимот тайёрлаш кўзда тутилган.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидагилардан фойдаланади:

- Рефератлар тайёрлайди ва химоя қилади
- Тақдимотлар тайёрлайди
- Органайзерлар тузади
- Докладлар тайёрлайди
- Муаммога йўналтирилган вазиятли масалаларни ечади.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар аудиториядан ташқарида ўтказилади. Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

-клиник базаларда даво олаётган беморлар касаллик тарихларидан фойдаланиш;

-айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

-берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;

-модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (мақола ва тезислар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);

- якуний назорат (ЯН);

Модулга ажратилган 3 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модулни мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Клиник фармакология модули бўйича ЖН оғзаки, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалаларни ўрганиш ва уй вазифаларни текшириш ва каби шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт.Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Жорий назоратда талаба ажратилган кредитни тўлиқ тўплаши шарт, шундагина у ЯН киритилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Цикл якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	**ECTS баҳо**	**ECTS нинг таърифи**		**Баҳо**	**Таъриф и**
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу	5	аъло

			жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки	4	яхши

			бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён		

			қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун цикл мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қониқарли" – суст натижа, қўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан)	3	Қони қарли

			мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий		

			машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.	2	Қони қарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модул якунида синов шаклида ўтказилади. Бунда талабаларнинг компетенцияларни, амалий кўникмаларни эгаллаш даражаси ва назарий билимлари текширилади. ЖНга берилган кредитларни тўплаган талабага ЯНга иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯНда саралаш балини (55 балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни

ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Цикл якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1.Степаненко С.М. Анестезиология, реаниматология и интенсивная терапия у детей. Учебник. – Москва. Издательская группа “ГЭОТАР-Медиа”. 2016 г.
2.Agzamhodjaev T.S., Yusupov A.S. Bolalarda intensiv terapiya xususiyatlari. O’quv qo’llanma. – Toshkent. “Tib-kitob” nashriyoti. 2010 y.
3. В. А. Михельсон, В.А.Гребенников. Детская анестезиология и реаниматология. Учебник. – Москва. “Медицина”. 2009 г.

5.2.Қўшимча адабиётлар:

1. Миллер Р. «Анестезия». Руководство. Том 1.- Москва. Издательство «Человек». 2015 г.
2.Александрович Ю.С., Пшениснов К.В., Гордеев В.И. «Интенсивная терапия критических состояний у детей». Пособие для врачей.- Санкт-Петербург. Издательство Н-Л. 2014г.
3. Морган Дж. «Клиническая анестезиология». Руководство Том-1.- Москва - Санкт – Петербург. Издательство Бином Невский Диалект. 2013 г.

4. Морган Дж. «Клиническая анестезиология». Руководство Том-2.- Москва Санкт –Петербург. Издательство Бином Невский Диалект. 2013 г.
5. Морган Дж. «Клиническая анестезиология». Руководство Том-3.- Москва Санкт –Петербург. Издательство Бином Невский Диалект. 2013 г.
6. Сатвалдиева Э.А. , Мухитдинова Х.Н., Шарипова В.Х.«Современная анестезиология: новые направления и перспективы Ташкент «Узбекистан» 2013г.
7. Steven E. Lucking Frank A. Maffei Robert F. Tamburro 'Jeal J. Thomas. «Pediatric Critical Care Study Guide». Textbook..- Springer –Verlag London . 2012 y.
8. Царенко С.В. «Нейрореаниматология. Интенсивная терапия черепно-мозговых травм». Учебник. – Москва. «Медицина». 2009 г.
9. Долина О.А. «Анестезиология и реаниматология». Учебник..-Москва ГЭОТАР-Медиа. 2007 г.
10. Гельфанд Б.Р. «Анестезиология и интенсивная терапия». Практическое руководство.- Москва. Издательство «Литтерра». 2006 г.
11.Дж. Дюк. «Секреты анестезии». Учебник. - Москва. Мед пресс-информ. 2005 г.
12. Мазуркевич Г.С., Багненко С.Ф. «Шок, теория, клиника, организация противошоковой помощи». Руководство.- Санкт-Петербург. Издательство Политехника. 2004 г.
13. Дж.А.Грегори «Анестезия в педиатрии». Учебник.- Москва. «Медицина» 2003 г.
14. В. А. Михельсон. Интенсивная терапия в педиатрии. Практическое руководство.- Москва. Издательский дом «ГЭОТАР-МЕД» 2003 г.
15. Сумин С.А. Неотложные состояния. Учебная литература. -Москва «Фарматевтический мир». 2000 г.

5.3. Интернет сайтлар:

1. http://anesthesia.ru/
2. http:// narkoz.ru
3. www.doctor.ru. Pain an updated revieve.
4. www.anesthesiology. htm – журнал для практикующих врачей
5. www. mediasphera. aha.ru/surgery/surg-mn. htm–Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова
6. www.zyonet.uz
7. www. info@ minzdrav.uz

АНЕСТЕЗИОЛОГИЯ ВА РЕАНИМАТОЛОГИЯ, БОЛАЛАР АНЕСТЕЗИОЛОГИЯСИ ВА РЕАНИМАТОЛОГИЯСИ МОДУЛИ СИЛЛАБУСИ

Тўлиқ номи	Анестезиология ва реаниматология, Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси		
коди:	Кредит ҳажми: 3 Шундан: ЖН – 3 кредит: ЯН- о кредит – (мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 9-семестр	ECTS value: 5
Таълим йўналиши	5510200 – «Педиатрия иши»	5 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	12 кун		
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат:	108	
	Шунингдек:		
	маъруза	14	
	амалий машғулот	22	
	Клиник ўқув амалиёти	36	
	Лаборатория машгулот		
	мустақил таълим	36	
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Лекторлар Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули давомида одам организми функционал тизим мавқеи асосида соғлиқни таъминлаш ва соғлом организмнинг ишлаш механизмларини билиш. Соғлиқни диагностикасини, иш қобилиятини, индивидуал функционал активлигини прогноз қилиш, илмий методологик асосларини шакллантириш, кўникмаларини эгаллаш, бўлажак умумий педиатр шифокорини педиатрия йўналиши бўйича тайёрлаш.		
Пререквизитлар	Болалар хирургия, травматология,нейрохирургия,офтальмология		
Постреквизитлар	Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси модули барча клиник олди ва клиник модуллари учун назарий замин бўлиб ҳизмат қилади		
Модулнинг мақсади	талабаларни катталар ва болаларда турли критик холатлар белгиларини, уларни ташхислашни, даволашни ва шошилинч ёрдам ўтказа олишга мос билим, кўникма ва малакаларни		

	шакиллантиришдир.Илмий методологик асосларини шакллантириш, кўникмаларини эгаллаш, бўлажак умумий амалиёт шифокори мутахассисини педиатрия иши йўналиши бўйича тайёрлаш
Модулнинг вазифалари	Талабаларга беморни ёшини, патологик жараённи оғирлик даражасини, шошилинч ҳолатларнинг сабаблари ва патогенезини ўргатиш. хаётга хавф солувчи ҳолатлар таснифини ўргатиш, хаётга хавф солувчи ҳолатлар таснифини ўргатиш, шошилинч ҳолатларда беморларда инструментал, функционал, клинико-лаборатор, биохимик текширув натижалари таҳлили билан таништириш. Реаниматология ва анестезиологияда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг ишлаш принципи билан таништириш
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	**Цикл якунида** **Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:** Одам организми физиологиясининг мақсад ва вазифаларини, унинг умумий амалиёт шифокори фаолиятидаги аҳамиятини; − организм ривожланишининг онтогенездаги босқичларини, ташқи муҳитнинг турли шароитларида бола организмининг ҳаёт фаолияти тамойиллари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*** **Талаба билиши шарт:** − шошилинч холатлар ривожланишида бола организмининг анатомик-физиологик хусусиятлари ва ёшига қараб кечадиган ўзгаришлар; − реанимация ва анестезиологияда қўлланиладиган моддаларни организм ва системаларига таъсир механизмини; − патологик синдромларни ривожланишининг этиопатогенетик омиллари, ташхис мезонлари ва оғирлик даражасини бахолаш; − реанимация ва интенсив терапия услублари ва усулларини асосий принциплари тўғрисида; **Талаба бажара олиши керак:** − стационар шароитида клиник ўлимда реанимацион чора тадбирлар ўтказиш; − нафас йўллари эркин ўтказувчанлигини таъминлаш; − Амбу қопчаси ёрдамида ЎСВ ўтказиш: − «оғиздан-оғизга» ва оғиздан бурунга ЎСВ ўтказиш; − трахеобронхиал дарахт санацияси; − бурун катетери орқали кислород бериш техникаси − юракнинг билвосита массажи; − периферик вена томири пункцияси; − ошкозонни найчалаш ва уни ювиш; − сийдик пуфагини катетеризацияси
Таълим бериш усуллари	Маъруза амалий машғулотлар клиник ўқув амалиёти
Таъминот	Видеоматериаллар, презентациялар, компьютер дастурлари, дарсликлар, Тарқатма материаллар, Тестлар, вазиятли масалалар. Ўқув қўлланмалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билади:

1.Беморларга критик холатларда ташҳис қўйиш ва интенсив даво режасини тузиш, режа асосида даволашни олиб бориш тўғрисида билимларини

бойитиш билан бирга шошилинч холатларда амалий кўникмаларни бажариш техникасини чуқур билишлари шарт;
2.Организмнинг анатомо-физиологик, ёшига боғлик хусусиятларини;
3.Организмдаги функционал тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва регуляцияси;
4.Даволаш ва ташхис кўйиш асбобларини кўллашга кўрсатмалар;
5.Дори моддаларини юбориш усулларини;
6.Дори моддаларини организмга сўрилиши ва чиқиб кетишини;
7.Дори моддаларини таъсири натижасида юзага келадиган асосий ва ножўя таъсирларни;
8.Дори моддаларини назорат қилиш усулларини ўрганиш

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

1.Сунъий нафас бериш усулларини;
2.Юракни билвосита массажини ўтказишни;
3.Вена қон томирларга найча қўйишни;
4.Артериал ва веноз босимни ўлчашни;
5.Кардиомониторларни иш жараёнига тайёрлашни;
6.Инфузион терапия ўтказишни;
7.Дефибриллятор аппаратини ишлатишни;
8.Ларингоскопни тўлиқ йиғишни;
9.Интубация қила олишни;.
10.Ошқозонга зонд қўйишни;
11.Сийдик қопига найча қўйишни;
12.Терминал холатдаги беморларга шошилинч ёрдам кўрсатишни;
13.Гемотрансфузия ўтказишни;
14.Плазматрансфузия ўтказишни;
15.Альбуминотрансфузия ўтказишни;
16.Трансфузия ўтказишдан олдин биологик синамаларни ўтказишни;
17.Асорат бўлишини олдини олишни ва бўлганда тез ёрдам беришни;
18.Хар-хил функционал текширувларга беморларни тайёрлашни;